

«Ўзпартампонаж» АЖ
акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши
2–сонли БАЁННОМАСИ

10 август 2023 йил
Йиғилиш бошланиш вақти: 11:00

Қоровулбозор шаҳри,
Қарши шоҳ кўчаси, жамият биноси

«Ўзпартампонаж» АЖ санок комиссияси аъзоси М.Эримов сўзга чиқди ва акциядорлар ва уларнинг вакилларининг мазкур акциядорлар умумий йиғилиши қатнашиш учун руйхатдан ўтиш натижалари маълум қилди, жумладан Акциядорларни руйхатга олиш якунига кўра умумий йиғилишда «Ўзпартампонаж» АЖнинг жойлаштирилган жами овоз берувчи 8447400 дона овоз берувчи акцияга эгаллик қилувчи 457 та акциядорлардан, 10 нафар акциядор руйхатдан ўтганлиги ва уларга тегишли бўлган жами 4257508 овоз берувчи акцияларга ташкил этиди, йиғилиш кворуми 50,4 фоизни, яъни акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси 06 май 2014 йилдаги 370-ЎРҚ-сонли «Акциядорлик жамияти ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунининг 68-моддасига асосан кворумга эга эканлиги маълум қилди.

«INTEGRA EURASIA» МЧЖ - 816 200 та ва «Eriell GmbH» компанияси вакили Ҳ.Р.Сафаров – 1 267 110 та овоз, «PTS DRILLING SERVICES» МЧЖнинг вакили ишончнома асосида А.А.Абдужаббаров – 961 298 та овоз ва бошқа 6 нафар жисмоний шахслар – акциядорлар 2 029 100 та овоз билан қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 77-моддасига (3-банди) ва «Ўзпартампонаж» АЖ Уставининг 8.13 бандига асосан жамият Кузатув кенгаши раиси ёки раис узурли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда Кузатув кенгашининг бошқа бир аъзоси акциядорлар умумий йиғилишини очади ва раислик қилиши белгиланган.

Умумий йиғилишда «Ўзпартампонаж» АЖ Кузатув кенгаши раиси узурли сабабларга кўра қатнаша олмаганлиги сабабли, акциядорларни навбатдан ташқари умумий йиғилишини раиси этиб «PTS DRILLING SERVICES» МЧЖнинг вакили жамият кузатув кенгаши аъзоси – А.А.Абдужаббаров ҳамда баённомани расмийлаштириш учун йиғилиш котиби этиб жамият корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менеджери Н.Қ.Мингяшаров номзоди таклиф этилди. Бу таклиф ҳам бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш иштирокчилари ичидан 3 кишидан иборат ишчи президиумни ташкил қилишни таклиф қилинди.

Президиум қуйидаги таркибда тайинланди:
«PTS DRILLING SERVICES» МЧЖ вакили –
йиғилиш раиси

А.А.Абдужаббаров

«INTEGRA EURASIA» МЧЖ ва
«Eriell GmbH» компанияси вакили -
«Ўзпартампонаж» АЖ директори -

Ҳ.Р.Сафаров

Б.О.Суяров

КУН ТАРТИБИ:

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
2. Санок комиссияси шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. «Ўзпартампонаж» АЖнинг 2022 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.

Кун тартибидаги биринчи ва иккинчи масала юзасидан Корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менеджер Н.Қ.Мингяшаров сўзга чиқди. У Акциядорлар умумий йиғилиш кун тартиби, санок комиссияси ва регламентини тасдиқлаш учун ўқиб эшиттирди.

Овозларни санаш учун қуйидаги таркибдан иборат санок комиссиясини сайлашни таклиф килди:

М.Эримов - санок комиссияси раиси,
С.Эргашев - санок комиссия аъзоси,
А.Олимов - санок комиссия аъзоси.

Регламент бўйича кун тартибидаги масалалар жами 3 тани ташкил этади ва ҳисобот берувчиларга 10 дақиқадан ажратишни таклиф этди.

Биринчи ва иккинчи масалалар муҳокамасидан сўнг акциядорлар умумий йиғилиш регламентини ва санок комиссиясини тасдиқлаш масаласи овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан:

тарафдорлар – 4 257 508 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Акциядорлар умумий йиғилиш регламенти тасдиқлансин.
2. Санок комиссияси таркиби 3 кишидан иборат М.Эримов - санок комиссияси раиси, С.Эргашев ва А.Олимовлар - санок комиссияси аъзолари этиб сайлансин.

Кун тартибидаги **учинчи** масала юзасидан бўйича жамиятнинг Корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менеджери Н.Қ.Мингяшаров сўзга чиқди. У ўз нутқида 2022 йил якуни бўйича жамият **2 983 031 000 сўм** миқдорда соф фойда билан чиққанлигини айтиб ўтди ҳамда бу соф фойданинг тақсимотини тасдиқлаш учун “Ўзпартампоаж” АЖ Кузатув кенгашининг 2023 йил 14 июлдаги 2-сонли мажлис баёнига асосан қуйидагича тақсимлаш тавсия этилганлиги тўғрисида айтиб ўтди:

- дивидендга – 24,1% ни, яъни ҳар бир оддий акция учун 85 сўмдан жами 718 029 000 сўм;
- жамият ишчи ходимларини рағбатлантириш фондига – 30% ни, яъни 894 909 000 сўм;
- жамият яқка тартибда ижро органи – директорга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.12.2020 йилдаги 775-сон қарори (3-банди)га асосан бир йўла тўланадиган бонус тўловига – 2% ни, яъни 59 660 620 сўм;
- Кузатув кенгаши аъзоларини қўшимча рағбатлантириш учун – 5% ни, яъни 149 152 000 сўм;
- ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондига – 38,9% ни, яъни 1 161 280 380 сўм.

Учинчи масала муҳокамасидан сўнг, жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича олинган соф фойдаси тақсимотини тасдиқлаш масаласи овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан:

тарафдорлар – 1 828 998 та овоз, қаршилар – 2 428 510 та овоз, бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

3. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича олинган соф фойдаси тақсимланмасин.

Умумий йиғилиш раиси:

А.А.Абдужаббаров

Умумий йиғилиш котиби:

Н.Қ.Мингяшаров

Баённома имзоланди «17» август 2023 йил.